

зации выноса солей.

Таким образом, учитывая большой опыт в решении экологических проблем и несмотря на то, что сегодня принимаются меры по сохранению окружающей среды имеется угрозы экологической безопасности государства которые классифицируются по степеням: глобаль-

ная, региональная, национальная и местная. Комплекс экологических опасностей и проблем играет важную роль в определении основных стратегических направлений обеспечения экологической безопасности, предотвращения и устранения экологических угроз в регионе Южного Приаралья.

Литература

1. Бахиев А.Б. Экология и смена растительных сообществ низовьев Амударьи. -Ташкент: «Фан», 1985, -С.192.
2. Бахиев А.Б., Бутов К.Н. 1976. Современное состояние растительности южных берегов Аральского моря. / Тезисы докладов Всесоюзной научной конференции по комплексному изучению и освоению пустынных территорий СССР. Секция III Ашхабад: «Ылым», -С. 67-68.
3. Бахиев А.Б., Бутов К.Н., Таджитдинов М.Т. 1977. Динамика растительных сообществ юга Аральского моря. -Ташкент: «Фан».
4. Бахиев А., Трещкин С.Е., Кузьмина Ж.В. 1994. Современное состояние тугаев Каракалпакстана и их охрана. -Нукус: «Каракалпакстан», -С.72.
5. Богданова Н.М., Кабулов С.К. 1980. Изменение природных условий при снижении уровня моря в юго-восточном Приаралье. / Проблемы освоения пустынь. № 3. С. 3-9.
6. Духовный В.А. и др. "Оценка социально-экономических последствий экологического бедствия – усыхания Аральского моря", ИНТАС/RFBR 1733, 2000.
7. Глазовский Н.Ф. 1990. Аральский кризис. -М.: «Наука», -С.136.
8. Городецкая М.Е., Кесь А.С., Кузнецов Н.Т. 1979. Состояние изучения Аральского моря. // Проблемы освоения пустынь. № 2.
9. Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Экологический вызов и устойчивое развитие. -М.: 2000, -С. 416.
10. Духовный В.А., Разаков Р.М., Косназаров К.А., Рузиев И.Б. "Вестник пустынь" № 3, 1981.
11. Жоллыбеков Б. 1983. Изменение почвенного покрова приморской дельты Амударьи в процессе аридизации. / Вестн. АН КазССР. № 2. -С. 66-69.
12. Зонн И.С., Гланц М.Г. 2008. Аральская энциклопедия // Ред. А.Н.Косарев, А.Г.Костяной. -М.: Международные отношения.
13. Кабулов С.К. 1990. Изменение фитоценозов пустынь при аридизации (на примере Приаралья). -Ташкент: ФАН УзССР.
14. Кравцова В.И., Лурье И.К., Мудря Т.М.. Космический мониторинг усыхания Арала. // Геодезия и картография. №10. 2002.
15. Новикова Н.М., Конюшкова М.В., Тодерич К.Н., Шуйская Е.В., Мамутов Н.К., Реймов П.Р. 2018. Управление и мониторинг состояния природных ресурсов в Аральской проблеме. // Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья. VII-я Международная научно-практическая конференция. -Нукус: 17-18 июля 2018 г. Ч. 1. С. 72-74.
16. Новикова Н.М., Маркова Л.Е., Бахиев А.Б., Жалгасбаев Ж. 1981. О карте современного растительного покрова дельты Амударьи и его динамике в связи с зарегулированием стока. // Проблемы освоения пустынь. № 5. -С. 21-27.
17. Aladin N.V. Ecological state of the fauna of the last 30 years; Geojournal, 1995, вып. 35 (1), -С. 29-32.
18. Andrianov B.V. "The ancient irrigation system of the Aral Sea region", Studies Rurales, 1989, № 115-116, p. 177-193.
19. Létolle, R., Mainguet, M. - 1993. Aral. Springer-Verlag France, Paris, 358 p.
20. Micklin, P. P. - 1988. Desiccation of the Aral Sea: a water management disaster in the Soviet Union. Science. 241 (2 September 1988): 1170-1176.
21. <http://www.wmo.ch/web/homs/documents/english/icwedece.html>

РЕЗЮМЕ

Маколада Жанубий Оролбўйи минтақасидаги асосий экологик муаммоларнинг ривожланиш тарихи ҳақидаги саволлар кўриб чиқилади. Ушбу ходиса ривожланишининг асосий сабаби сифатида минтақанинг ишлаб чиқарувчи кучлари учун нотўғри ривожланиш стратегияси кўрсатилган. Таъкидланишича, экологик муаммоларни ҳал қилишда катта тажрибани ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитни сақлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы истории развития основных экологических проблем в регионе Южного Приаралья. В качестве основной причины развития этого явления указывается неверная стратегия развития производительных сил региона. Отмечается, что учитывая большой опыт в решении экологических проблем принимаются меры по сохранению окружающей среды.

SUMMARY

The article discusses the history of the development of the main environmental problems in the South Aral Sea region. An incorrect development strategy for the productive forces of the region is indicated as the main reason for the development of this phenomenon. It is emphasized that, given the extensive experience in solving environmental problems, measures are being taken to preserve the environment.

ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (САГУ) ОЛИМЛАРИНИНГ ПОМИРГА УЮШТИРИЛГАН ЭКСПЕДИЦИЯЛАРДАГИ ИШТИРОКИ (1923-1928 йиллар)

Н.С.Кенжаева - таянч докторант

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Помир, экспедиция, Тожикистон, СССР Фанлар академияси, Ўрта Осиё давлат университети.

Ключевые слова: Памир, экспедиция, Таджикистан, Академия наук СССР, Среднеазиатский государственный университет.

Key words: Pamir, expedition, Tajikistan, Academy of Sciences of the USSR, Central Asian State University.

1924 йилда миллий худудий чегараланишдан сўнг миллий республикалар ташкил қилинган бўлиб, хусусан, Тожикистон автоном совет социалистик республикаси Ўзбекистон совет социалистик республикаси таркибида бўлди. 1925 йилда Помир худудлари ҳам Тожикистон ССР таркибига қўшиб берилди. Помир ва унинг теvarак-атрофларини тадқиқ этиш Ўрта Осиё минтақаларини ўрганиш учун истикболли худудлардан бири ҳисобланди.

Чегараланишга қадар, 1923 йилда Помирдаги Сарез кўли худудларига географик экспедиция жўнатилди. Мазкур экспедиция Ўрта Осиё давлат университети ва Рус география жамиятининг Туркистон бўлими томонидан ташкиллаштирилди [8, 9, 18:1-21]. Географ

Н.Л.Корженевский, бир неча маротаба Помирда бўлган геолог И.И.Бездека ва ботаник И.А.Райковалар экспедиция таркибида бўлдилар. Экспедиция тадқиқотлари натижасида 30 та атмосфера босим пунктларининг баландлиги, 1914 йил билан таққосланганда музликларнинг чекиниши аниқланди. Баланд тоғ ўсимликлари гербарийси тўпланди [1:274-275]. 1925 йилнинг январиди Тошкентда "Тожикистон ва унинг чегара орти эроний халқларни тадқиқ этиш жамияти" тузилиб, республика минтақасини ҳар томонлама тадқиқ этишда иштирок эта бошлади. 1925 йилда Танамас дарёси этакларида музлик худудларни тадқиқ этиш учун Н.Л. Корженевский бошчилигидаги экспедиция жўнатилди. Экспедиция ишлари асосан

рекогносцировка (жойни олдиндан текшириш) характерида бўлди [15:10-11].

СССР Фанлар академияси фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш учун иттифок ва автоном республикаларда, 1926 йил 3 апрелда СССР ва автоном республикаларда тадқиқот ишлари бўйича махсус кўмита ташкил этилди. 1928 йилда мазкур махсус кўмита Экспедиция тадқиқотлари комиссиясига айлантирилди. Академик А.Е.Ферсман иттифок ва автоном республикаларда тадқиқот ишлари бўйича махсус кўмитани бошқарди. Мазкур муассасага миллий республикаларда табиий ишлаб чиқариш кучларини тизимли ўрганиш ва Фанлар академиясига экспедиция тадқиқотларини мувофиқлаштириш вазифаси қўйилди [7:298].

Тожикистон АССР ташкил этилганидан буён республикада айрим иттифок ва Ўрта Осиё илмий муассасалар томонидан унча катта бўлмаган экспедиция иш олиб борди.

1927 йилда Дарвозда Ўрта Осиё давлат университети ботаника экспедицияси фаолият олиб борди. Мазкур экспедицияга машҳур географ, университет доценти П.А. Баранов бошчилик қилди. Бу баланд тоғ ҳудудларининг маданий ўсимликлари ўрганилиб, ерга ишлов бериш усуллари қайд этилди. Дарвоз минтақаси бўйлаб қишлоқ хўжалиги ўсимликлари тадқиқ этилди [1:2].

1927 йилдан бошлаб СССР ФА Тожикистонга ҳар йили экспедиция жўнатди. Табиий географиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган йирик Помир совет-герман экспедицияси мазкур экспедициялардан бири бўлди. 1928 йил Помир экспедицияси фаолияти Помир ва бутун Помир-Олой тоғ тизмасида тадқиқот ишларининг бошланишига олиб келди. Кейинчалик, СССР ФА экспедицияси мазкур баланд тоғ минтақаларида мунтазам тадқиқот ишларини олиб борди.

Экспедициянинг топографик-геодезик фаолияти, географик тавсифи баён этилган иловаси билан, мукаммал географик харитани тузиш билан якунланди. Биологик гуруҳ экологик нуктаи назар билан Қорақўл ҳавзаси фаунасини ўрганиш, архарлар яшайдиган районларни тадқиқ этиш ишларини олиб борди. Амалий ботаника соҳасига Помир маданий ўсимликларини ўрганиш вазифаси қўйилди.

Экспедициянинг таъминоти ва таркиби амалга оширилган ишларнинг кўлами тўғрисида гувоҳлик беради. Бунда 107 нафар киши иштирок этди. Маҳаллий аҳолидан ишчилар – йўл бошловчилар, юк ташувчилар, қарвончилар ва бошқалар ёрдамчи ходимлар сифатида жалб этилди. Экспедиция қарвони қарийб 200 та отни ташкил этди [12:9]. Экспедиция географик йўналишни ўзида акс эттирди: у Помир минтақасининг одам оёғи етиши қийин бўлган жойларида тадқиқот ишларини амалга ошириши зарур эди. Ёзгулем, Ванч ва Гармо дарёлари юқори қисмидан мазкур вилоятларни ажратиб турувчи Зулум-Арт ва Селтоу тизмасининг ғарбига туташ меридионал тизмасини ўрганиш [16:9], тадқиқ этилмаган барча вилоятларни босиб ўтиш ва ҳақиқатда мавжуд тоғ чўққилари, музликларни харитага аниқ қайд қилиш; тадқиқ этилаётган районларни ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга кесиб ўтишга имкон берадиган доvonларни топиш ва ниҳоят гўёки Фанлар академияси тизмаси этакларида яшовчи ёввойи қабилалар ҳақидаги афсоналарни пучга чиқаришни мўлжаллади [10:8]. Экспедиция жўнатилган районлар кам тадқиқ этилган ҳудудлар сирасига кирар эди.

Умумий майдони 61 минг км. бўлган Шимолий Танимас музлигининг очилиши, экспедициянинг география соҳасидаги илмий натижалари бўлди [17:69-70]. И.Г. Дорофеевнинг гуруҳи унинг батафсил

тавсифини қайд этди. 20 км узунликдаги илгари номаълум Коммунарлар тизмаси ўрганилди. Унинг энг юқори нуктаси денгиз сатҳидан 5500 м.га етди [4:3-8].

Қорақўл соҳиллари ва Танимас дарёси юқори оқимларини тадқиқ этиш жараёнида янги картографик материаллар тузилди. Экспедиция Танимас дарёси водийси этакларига тушиб борувчи музликни тадқиқ қилиши натижасида бу Федченко музлиги эканлигини аниқлади [17:83].

Ёзгулем дарёси юқориси ўрганилиши натижасида мазкур районнинг топографик харитаси тузилди ва жойнинг географик тавсифи амалга оширилди [17:146]. Қора-Жилға дарёси ҳавзаси тадқиқ этилди ва Зулум-Арт меридионал сув айирғичи ўрганилди. Оқ-Жилға, Кўл-айрак, Кокуй-билсув дарёларининг денгиз сатҳидан баландлиги аниқланди ва улар ўртасида сув айирғич линияси ўрнатилди [12:28]. Экспедиция қатнашчилари тадқиқ этилаётган районда аниқ махсус ўлчаш асбоблари ва фотометрик съёмка ишларини олиб бориб, кенг музлик билан қопланган янги ҳудудларни аниқлади [3:173-174].

Экспедиция натижасида Олой тизмалари ва Помирда фойдали қазилмалар ва геохимия бўйича хусусан, сурма, симоб, нефелитли сиенит (*англ. nepheline syenite*) ҳақида янги маълумотлар олинди [13:1]. Экспедиция гидрологик ишлар бўйича катта меҳнатни амалга оширди. “Гидрологик масалаларни жумладан, Ўрта Осиёда ўзига хос гидрологик аҳамият касб этган ва ўлкада кўпгина дарёларнинг таъминот манбаи ҳисобланган Помир ва унинг кўллари Қорақўл, Шарқўл, Рангқўл сув энергетик ресурслари масалаларини ҳал этиш билан қаторда, музликдан иборат бўлган ҳудудларни тадқиқ этишга ҳам катта аҳамият берилди. Мазкур муносабатда шу вақтга қадар мутлақо ўрганилмаган музлик билан қопланган ҳудудлар тадқиқ этилиб, катта натижалар қўлга киритилди” [14:9]. Алоҳида махсус гуруҳ томонидан метеорологияга оид тадқиқот ишлари амалга оширилди [17:115-124]. Шунингдек, энтомологик [17: 164-166], ботаник-уруғчилигига ва зоологияга оид бой материаллар тўпланди [17:138-139].

Ғарбий Помирнинг барча тадқиқ этилмаган ҳудудлари экспедиция томонидан батафсил режага олинди: Ўрта Осиё музлик ҳудудларининг ўша вақтлардаги энг мукаммал харитаси ҳисобланган, йирик масштабдаги харитаси тузилди. Музлик билан қопланган ҳудудларни батафсил тадқиқ этиши натижасида олимларга муҳим иқлимшуносликка оид муаммоларни ўртага ташлашга, иккита кескин континентал ҳудудлар ва дашт иқлими ўртасида кенг қўламдаги қор ва музларнинг сақланиши ҳамда пайдо бўлиш сабабларини тушунтириш имконини берди [12:99].

Бундан ташқари, “Москванинг қатъий талабига биноан” экспедицияда мазкур қўламдаги ишларда биринчи мартаба кинооператорлар ҳам иштирок этди. Владимир Адольфович Шнейдер гуруҳ ишларини бошқарди. Оператор ишларини Илья Моисеевич Толчан амалга оширди. Экспедициянинг кино қисми ҳисоботида кўра, қуйидагилар тасвирга олинди: “1) Экспедиция тадқиқ этган ҳудудлари ва силжишининг барча йўллари; 2) Экспедиция томонидан чўққи, музлик ва доvonларнинг топилиши; 3) Геодезистлар, метеорологлар, чатиштириш бўйича тажрибалар, альпинистлар, зоологлар, овчилар, биологлар ва бошқа гуруҳларнинг ишлари; 4) Лагер, қарвон ва хоказоларни тайёрлаш ишлари; 5) Тоққа чиқиш, йўл саргузаштлари ва қийинчиликлари, қатор бахтсиз ҳодисалар, овчилик лаҳзалари, барча иштирокчилар ва ҳ.к. тасвирга олинди. Бундан ташқари, тоғли қирғизларнинг кундалик турмуши..., ўлканинг бир қатор кўриниши ва ҳ.к. тасвирга олинди. 8000 мт негатив материаллар,

1000 мтдан кўпроқ фотолар” [17:86-88].

“1928 йилда СССР Фанлар академияси Помир экспедициясининг совет гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги қисқача дастлабки ҳисоботи”да экспедиция ишларининг асосий натижалари қайд этилди [17:90-97].

1928 йилда ташкил этилган совет-герман экспедицияси СССР ФАнинг йирик халқаро экспедицияларидан бири бўлиб, совет ва немис олимларининг ижобий фикрларига сазовор бўлди. Экспедициянинг немис гуруҳи бошлиғи, профессор В.Рикмерс шундай ёзади: “Помир-Олойга саёҳатнинг илмий натижалари немис олимлари сингари, рус катнашчилари учун ҳам шарафли давр бўлди...” [6:269].

1928 йил Помир экспедицияси тадқиқотлари ва илгари олиб борилган дастлабки кидирув ишлари Тожикистоннинг ва унинг ажралиб турадиган қисми – мустақил табиий географик вилоят деб тан олинган Помирнинг табиий-тарихий ўрни ва географик тавсифини қайд этишга ёрдам берди. Географик тадқиқотларни олиб боришда зоналашган-регионал йўналиш етакчи услублардан бўлди.

1928 йилнинг ёзида Помир ҳудудида профессор Е.Н.Павловский бошчилигида, республикада инсон паразитар касалликларининг айрим ўчоқларини ўргатган паразитологик экспедиция иш олиб борди.

Мустақил табиий-географик вилоят бўлган Помир, кам ўрганилганлиги боис, 1920-йилларнинг охирида

илмий-тадқиқот экспедицияси учун тадқиқот марказига айланди. Помир ҳудуди машҳур тадқиқотчиларни ўзига хос географик жойлашуви билан эмас, балки ўзининг қимматбаҳо бойликларининг мавжудлиги билан жалб этди.

Экспедиция фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи СССР ФА СССР табиий ишлаб чиқарувчи кучларни тадқиқ қилиш комиссияси “мамлакатда табиий бойликларни экспериментал-лабораторияга оид ўрганиш ва уларни қўллаш шароитлари ҳамда ўз кучи ёрдамида ёки бошқа муассасалар билан ҳамкорликда уларни жойида кенгроқ тадқиқ этиш имкониятлари” масаласини ҳал қилди [11:254]. Мазкур илмий фаолият тамойиллари Тожикистон географик ҳаритасидаги “оқ доғларга” барҳам бериш ишлари билан шуғулланди.

Помир ва унга туташ минтақаларни тадқиқ этишда СССР ФА билан бир қаторда, СССР Геология қўмитаси, Ўрта Осиё давлат университети ва бошқа марказий ҳамда минтақавий муассасалар иштирок этди. Олиб борилган геологик, геохимик, ботаник паразитологик ва бошқа тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, Тожикистон ишлаб чиқариш кучларини комплекс ўрганиш ва йирик назарий муаммоларни ҳал этиш учун истиқболли ҳудуд эканлигини исботлади. Ўрта Осиё давлат университети олимлари, Помир ва унга туташ минтақалар ҳудудини тадқиқ этишда фаол иштирок этиб, республикада илмий муассасаларнинг қарор топишида муҳим роль ўйнади.

Адабиётлар

1. Баранов П.А. Дарваз и его культурная растительность // Известия Общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. –Ташкент: 1928. Т. 2.
2. Баранов П.А., Райкова И.А. САГУ в борьбе за сельскохозяйственное освоение Памира // Бюллетень САГУ. 1935. Вып. 20.
3. Бюллетень САГУ. 1929. Вып. 18.
4. Дорофеев И.Г. На заоблачных высотах. -М.: «Мысль», 1976.
5. Животные паразиты и некоторые паразитарные болезни человека в Таджикистане. -Л.: 1929.
6. Иоффе А.К. Международные связи советской науки, техники и культуры. 1917-1932 гг. -М.: 1975.
7. Комков Г.Д., Левшин Б.В., Семенов Л.Е. Академии наук СССР: Краткий исторический очерк. -М.: «Наука», 1974.
8. Корженевский Н. Л. Из наблюдений на Памире летом 1923 г. //Вестник ирригации. –Ташкент: 1924, № 1.
9. Корженевский Н. Л. Краткий отчет о поездке на Памир летом 1923 г. Изв. ТОРГО, т. XVII.–Ташкент: 1924.
10. Крыленко Н.В., Щербаков Д.И., Марков К.К. Экспедиция 1928 г. // Пять лет по Памиру. -Л.: 1935.
11. Отчёт деятельности АН СССР за 1929 г. Л.: АН СССР, 1930.
12. Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1929. Вып. 1.
13. Памирская экспедиция 1930 г. Л., 1932. Вып. 1.
14. Симонов Н. Гидрологические исследования Академии наук // Вестник АН СССР. 1933. № 5.
15. Шагалов Е.С. Первое научное общество Таджикистана: (Общество для изучения иранских народностей за его пределами). -Душанбе: «Дониш» 1966.
16. Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. Л., 1929.
17. СПБФАН. 138-фонд. 1-1928-рўйхат. 174-йўғма жилд.
18. ЎЗР МДА. Р-2273-фонд. 1-рўйхат. 59-йўғма жилд.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада 1923-1928 йиллар давомида СССР ФА томонидан уюштирилган экспедицияларнинг Помир ҳудудини тадқиқ этиш масалалари кўриб чиқилган. Минтақани тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари очиқ берилган. Экспедицияга тайёргарлик кўриш жараёнлари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, экспедиция якуни ва асосий илмий натижалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В работе рассматриваются вопросы изучения территории Памира экспедициями АН СССР в период 1923-1928 гг., и участие в них учёных из САГУ. Прослежены основные направления изучения региона. Показано как происходила подготовка экспедиций. Кроме того, изучены основные научные результаты и итоги экспедиций.

SUMMARY

The paper deals with the study of the territory of the Pamirs expeditions of the USSR Academy of Sciences in the period 1923-1928, and the participation of scientists from SAGU. The author reviews the principal directions explore the region. It is shown how the preparation of expeditions took place. In addition, the main scientific results and the results of the expeditions were studied.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ДАВЛАТ ЁНГИН НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Х.А.Қурбонов – техника фанлари номзоди, доцент

Л.А.Камолов - катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Таянч сўзлар: мурожаатнома, фавқулодда вазият, ёнгин, ёнгин хавфсизлиги, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, давлат инспектори, жарима, портлаш, низом, конституцион ҳуқуқ.

Ключевые слова: обращение, чрезвычайная ситуация, пожар, органы внутренних дел, пожарная безопасность, правонарушение, административная ответственность, государственный инспектор, штраф, взрыв, устав, санкция, конституционное право.

Key words: reference, emergency situation, fire, internal affairs bodies, fire safety, offense, administrative responsibility, state inspector, fine, explosion, charter, sanction, constitutional law.

Бугунги кунда жаҳон илм фан ва инновация ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини жадал ва барқарор ривожлантириш эл-юртимиз учун муносиб келажакни

яратишнинг муҳим омилidir. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакат ҳаётининг бошқа кўплаб соҳалари қатори сиёсий-ҳуқуқий ва